



QAROR

№ 98-К

2006 йил 16-январ

Фермер хужалигини ташкил қилиш
хамда ер майдони ажратиш тугрисида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8-ноябрдаги ПК-215-сонли «2006 йилда кишлоқ хужалиги кооперативларини (ширкат хужаликларини) фермер хужаликларига айлантириш тугрисида»ги қарорининг хамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2005 йил 10-ноябрдаги 203-К-сонли ва туман ҳокимининг 2005 йил 10-ноябрдаги 687-К-сонли қарорларига асосан кишлоқ хужалиқ маҳсулотларини етиштирувчиларнинг асосий шакл сифатида фермер хужаликларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек кишлоқда бозор инфратузилмасини комплекс ривожлантириш мақсадида, Келдиёров Унарнинг фермер хужалиги ташкил этиш комиссияси аъзоларининг аризасини хамда «Гулистон» ширкат хужалиги қайта ташкил этиш комиссияси жамоатчилиги 2005 йил 31-декабрдаги танлов яқунлари баённомасига ва шу ширкат хужалиги жамоатчилиги кенгашининг ижобий хулосасига асосан ва туман статистика бўлимининг 2006 йил 16-январдаги 70-06-сонли «KELAJAK-NURI-GULISTON»га ухшаш ном мавжуд эмаслиги тугрисидаги маълумотнома-гувоҳномасини инобатга олиб

КАРОР ҚИЛАМАН:

- 1.«Гулистон» ширкат хужалигини тугатиш ва қайта ташкил этиш комиссиясининг 2005 йил 31-декабрдаги туман ҳокимлиги биносига утқазилган тендер яқунлари буйича баённомасида голиб деб топилган Келдиёров Унарнинг «KELAJAK-NURI-GULISTON» фермер хужалиги пахта-галлачилик йуналишида ташкил этилсин.
- 2.«KELAJAK-NURI-GULISTON» фермер хужалигига «Ўздаверлойиха» олийгоҳи Самарқанд филиали мутахассисларининг қайта йўқлама қилиш кайдномасига асосан умумий майдони 34,9 гектар, йуллар шундан: сугорилиб ҳайдаладиган ери 33,4 гектар, яйловлар 0,4 гектар, ариқлар 0,7 гектар, йуллар 0,3 гектар, бошқа ерлар 0,1 гектар ер майдонлари 50 йилга ижарада фойдаланишга ажратиб берилсин.
- 3.Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Б.Абдуразоқов)га ер кадастр ва шартномаси, тегишли меъёрий ҳужжатларни ва давлат гувоҳномасини тайёрлаш;
-туман ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини давлат руйхатидан утқазиб инспекцияси (М.Курбоновга) мазкур фермер хужалигини Ўзбектсон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20-августдаги 357-сонли қарори талаблари асосида давлат руйхатидан утқазиб, гувоҳнома бериш;
-туман Давлат солиқ инспекцияси (А.Тураев)га мазкур фермер хужалигини молиявий фаолияти устидан назорат урнатиш, солиқ ва бошқа мажбурий туловларини тартибга солиш;
-иктисослашган тижорат банкларига мазкур фермер хужалиги учун ҳисоб рақам очиш;
-туман статистика бўлими (З.Эргашев)га мазкур фермер хужалигининг статистик ҳисоботларини қабул қилиш ва умумлаштириш вазифаси юқлатилсин.
- 4.Мазкур фермер хужалигига ер майдони ажратишда ширкат хужалигининг қопланмай қолган дебитор ва кредитор қарзларининг, ажратилаётган ер майдонларига мутаносиб равишда тақсимланиб, ундирилишини таъминлаш Гулистон ширкат хужалиги қайта ташкил этиш комиссияси раиси Т.Алқаров зиммасига юқлатилсин.
- 5.Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ширкат хужаликларини қайта ташкил этиш комиссияси раиси уринбосари Н.Жураев зиммасига юқлатилсин.
- 6.Мазкур қарорнинг тасдиғи Вилоят ҳокимидан суралсин.

Туман ҳокими :-

Sh. Negmatov Ш.Негматов